



Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун  
**ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ**  
Танлаш хажжатларининг мазмуни:

**I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

II. Техник қисм

III. Нархлар қисм

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

**1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: Кўштепа туман тиббиёт бирлашмаси учун Зта Ноутбук ва 1 та принтер сотиб олиш учун

1.2. Танлов охирги киймати 22 000 000 сум . Ушбу кийматдан ортиқ кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова килинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 календар кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

**2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Фарғона вилояти Кўштепа туман Тиббиёт бирлашмаси , (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчisi ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Кўштепа туман Сохибкор МФЙ Сохибкор кучаси 57 уй

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов - “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар кўйилади:

танлов предмети кийматининг камида 10 фойзи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

**4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тутагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тушибга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичидан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

**Тасдиқлаймай**  
**Кўштепа туман тиббиёт бирлашмаси**  
**Бошлиги**   
**О.Муродов**  
**2022йил**

**Кўштепа туман тиббиёт бирлашмаси учун Зта Ноутбук ва І та принтер сотиб олиш учун**

**I.ТЕХНИК ТОПШИРИК**

Буюртмачи	Кўштепа туман Тиббиёт бирлашмаси
Танлаш мавзуси	Кўштепа туман тиббиёт бирлашмаси учун Зта Ноутбук ва І та принтер сотиб олиш учун
Танлаш тартиб рақами	<b>№</b>
Танлаш түри	Очиқ танлаш
Танлаш хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	etender.uzex.uz маҳсус ахборот парталидан юклаб олишлари мумкин
Танлаш этказик тұғрисидаги зылон чоп этишга рұксат этилди:	etender.uzex.uz маҳсус ахборот парталидан зылон қилинди.
Танлашда иштирок этишга күйидаги танлаш иштирокчиларига рұксат этилади	Молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар. Қайта ташкил этилиш (бўлиниш қўшилиш) тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулк мусорадага олинмаган. ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок холати ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий- хуқукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргалиқда (консорцум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рұксат этилмайди.
Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд булса)	Сертификат Лицензия талаб этилади
Танлаш таклифларини тақдим қилиш муддатлари	Таклифларни тақдим этиш охирги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига қадар
Танлаш хужжатлари тили	Узбек/Рус тиллари
Танлаш иштирокчисининг техник ва молиявий қисмларини очилишига рұксат этилидиган танлаш иштирокчилари	Танлаш хужжатларида кўрсатилган малакали шахслар
Буюртмачининг саёхат хизмат бўйича башланғич нархи	ҚҚС билан сум
Буюртмачи томонидан белгиланган бажариладиган иш муддати	15 календар кун.
Молиялаштириш манбаси:	Бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан
Бажариладиган иш молиялаштириш тартиби:	Саёхат хизматининг жорий йилдаги қийматининг 30% аванс Охирги тулов-70% саёхат тугагандан сўнг.
Машина механизмлар тўғрисида	Махсулот етказиб берувчи .тъминловчи корхонанинг кафолат хати
Молиявий холати	Корхонани охирги йиллик баланс хисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган булиш керак). Ташкилотнинг хисоб рақамида конкурсдаги махсулот хизмати суммасини 20% миқдорида пул маблағи мавжуд булиши ёки шу миқдорда айланма маблағи борлиги тўғрисида банк хати
Иш тажрибаси	Ташкилотни охирги уч йил мобайнида бажарган ишлари тўғрисида маълумот
Шартнома тили	Узбек тили
Шартнома валютаси	Узбек сўмда